Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 7-avgust, payshanba № 95 (3444)

Ўзбек моделининг асосий тамойиллари — иқтисоднинг сиёсатдан холи экани, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни тадрижий асосда босқичма-босқич амалга ошириш принципларини ўз ичига олади.

Ислом КАРИМОВ

«LYUKS PLUS SERVIS»ДА ҲАММАСИ АЪЛО

Наманган шаҳридаги «Lyuks plus servis» масъулияти чекланган жамиятининг замонавий бичимдаги костюм, куртка ва палтолари истеъмол бозорида аллақачон ўз харидорини топиб улгурган.

Амалга оширилган кенг кўламли модернизация ишларидан сўнг ишлаб чиқариш ҳажми беш баробар ўсиб, ишчи-хизматчилар сони 120 нафарга етди. Уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини битирган ёшлардир. Ички бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаган корхона ўз маҳсулотини хорижга ҳам чиқара бошлади.

Бугунги кунда «Vakkoni» товар белгиси остида ўттиздан ортиқ турда маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Айни пайтда навбатдаги лойиҳа ижроси ниҳоясига етказилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади-ган янги цехда 120 иш ўрни яратилади. Кейинги йилдан бошлаб, шунингдек, эркаклар кўйлаги тайёрлаш линиясини барпо этиш мўлжалланмоқда.

Суратларда: «Lyuks plus servis» масъулияти чекланган жамияти ишчилари — Муҳайё Ризқулова ва Моҳидил Алишерова; (чапдан) ишчилар — Муслима Йўлдошева, Наргиза Холмирзаева ва Бахтиёр Саримсоқов.

Истиқлол берган имкон

Ўзбекистоннинг инвестициявий сиёсати

I қисм

Мустақилликка эришилгандан кейин ўтган қисқа давр мобайнида мамлакатимизда инвестиция жараёнлари ва уларнинг йиғиндисидан таркиб топадиган қатор иқтисодий ва ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикасининг инвестиция фаолиятига дахлдор қонунлари, Президент фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарор ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилинди. Уларга таяниб иш юритила бошланди, миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестиция ҳажми йилдан-йилга ўсмоқда. Масалан, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш учун барча молиявий маблағлар ҳисобидан 2008 йилда 6,4 миллиард, 2009 йилда 8,2 миллиард, 2010 йилда 9,7 миллиард, 2011 йилда 10,7 миллиард, 2012 йилда 11,7 миллиард, 2013 йилда 13,2 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди.

2013 йилда жалб этилган инвестиция 2012 йилга нисбатан 11,3 фоиз кўп бўлиб, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 23 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлигини намоён этувчи жиҳат — давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар ҳолати шуни кўрсатадики, агар 2005 йилда давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағларнинг 36 фоизи республика бюджети, 63 фоизи маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2012 йилда бу нисбат тегишли равишда 32 фоиз ва 67 фоизни ташкил этди.

Бу эса инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Агар 2000 йилда корхона ва аҳоли маблағлари ҳисобидан инвестиция жараёнларини молиялаштириш барча инвестицияларнинг 39,1 фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб 53,1 фоизга етди, давлат бюджетидан молиялаштириш эса мос равишда 29,2 фоиздан 5,5 фоизга пасайди.

Маълумки, инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари бўйича таркибининг шаклланиши иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари билан боғлиқ. Ишлаб чиқарувчиларга солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг ўз маблағлари кўпайишига имконият яратади. Молиялаштириш манбалари бўйича марказлашмаган инвестициялар умумий таркибида уларнинг улуши 2000 йилда 27,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 38,1 фоизга етди. Умуман олганда, 1991-2013 йиллар давомида мамлакатимиз иқтисодиётида 162 миллиард доллардан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилди, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Расмий маълумотларга кўра, 2013 йилнинг январ-декабр ойларида мамлакатимизда 27557,3 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилган.

2013 йилда ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмининг 53,1 фоизи хусусий инвестициялар, яъни корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ҳисобидан бўлди. 2013 йилда жалб этилган умумий инвестицияларнинг 70 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 40 фоизи асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.

Инвестиция соҳасида шаклланган ижобий динамика иқтисодиётнинг барқарор ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Натижада, мамлакатимизда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида фаол инвестиция сиёсати туфайли мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши табора ўсиб бормоқда. Жумладан, ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизга тенг бўлган бўлса, бугунги кунда ушбу кўрсаткич 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизда биз учун мутлақо янги бўлган саноат тармоқларига асос солинди. Масалан, автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефт ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига тамал тоши қўйилди.

Президентимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида автомобилсозлик саноатига асос солингани мустақилликнинг улкан мўъжизаси ҳисобланади. Асака шаҳридаги завод иш бошлаган 1996 йилда 25,3 мингта автомобил ишлаб чиқарилган бўлса, 1997 йилда бу кўрсаткич 64,3 мингтага, 2013 йилда эса 246 минг 330 тага етказилди.

Истиқлолнинг мўъжизалари жуда ҳам кўп. Шулардан яна бири Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидаги Сурғил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуасидир. Бу мажмуа Жанубий Корея билан ҳамкорликда барпо этилмоқда. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 3,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилади. Унинг амалга оширилиши йилига 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш ҳисобидан 3,7 миллиард куб метр газ, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз бензини ва бошқа қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

(Давоми 3-саҳифада).

Шукрона

Умримнинг 90-баҳорини кўриш ҳам насиб этди. Фарзандларим шу юртнинг корига яраб, ҳалол меҳнат билан кун кечираётганидан жуда ҳам мамнунман.

Мустақиллик неъматларидан баҳра олиб, куну-тун юрт тинчлиги, фаровонлиги дуосидаман. Шукурки, Истиқлол туфайли биринчилардан бўлиб муборак ҳаж сафарига бориш бахтига муяссар бўлдим.

40 йилдан ошиқ оддий ҳайдовчи бўлиб, халққа хизмат қилдим. Олти нафар фарзандни уйли-жойли қилиб, элга кўшдим. Истаймизки, биз кўрган оғир замонларни фарзандларимиз асло кўришмасин.

Бахтли набиралар бобосиман

Тинчлик ва хотиржамликда гап кўп. Унинг қадрига етишимиз керак. Бугун набираларимга ҳавас билан боқаман. Уларга яратиб қўйилган шароитлар бизнинг тушимизга ҳар кирмаган. Нимасини айтай, истеъдодли ёшларнинг давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётганига ўз оилам мисолида гувоҳман.

Набирам Абдуллажон болалигидан спортга ошно бўлиб, таэквон-до, Турон яккакурашлари билан шуғулланиб, мамлакат чемпиони бўлди. Уни пойтахтдаги махсус спорт мактабига ўқишга қабул қилишди.

Яқинда набирамни кўриш учун Тошкентдаги Республика Олимпия захиралари спорт коллежида бўлдим. Спорт майдонлари ва ўқув хоналарини кўриб, ич-ичимдан қувондим. Ахир, чекка бир қишлоқдан чиққан набирам шундай жойларда таълим олаётган экан, бундан фахрланмай бўладими? Юртимизда ёшларга бўлган эътибор бугун ўз самарасини бераётир. Набирам Абдуллажон ҳам шу шароит ва имкониятларни оқлаш ва Осиё чемпионатида зафар қучиш учун астойдил машғулотлар олиб бораяпти.

Бугун юртимизда ёшларга катта ишонч билдирилмоқда. Ўйлайманки, улар бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг янада гўзал ва обод бўлишида ўз ҳиссаларини қўшишади.

Сотиболди ҳожи БЕГМАТОВ,
Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли

Ўқув-семинар

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, ходимлар учун хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича иш берувчилар ҳамда уларнинг вакиллари билим ва тажрибасини ошириш мақсадида Хоразм вилоятида ўтказилган ўқув-семинар қизғин фикр алмашув, баҳс-мунозараларга бой тарзда кечди.

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА ИШ БЕРУВЧИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари К. Бекчанов семинарни очар экан, касаба уюшмалари тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ва иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги корхоналарда касаба уюшма ташкилотларининг ўрни хусусида тўхталди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси Э.Раҳмонованинг «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги маърузаси ХМТнинг ташкил қилиниши, таркибий тузилмаси, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ва кўрсатмаларнинг аҳамияти, Ўзбекистоннинг, хусусан, касаба уюшмаларининг ХМТ билан ҳамкорлигига бағишланди.

— Республикамиздаги касаба уюшмалари аъзолари меҳнатидан фойдаланаётган юридик шахсларнинг 96 фоизи жамоа-шартномавий муносабатлар билан қамраб олинган бўлиб, уларда Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенцияларнинг тегишли талаблари ўз аксини топган, — дейди Э. Раҳмонова. — Амалдаги аксарият жамоа шартнома ва келишувларига касаба уюшмалари фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш борасида иш берувчиларнинг мажбурияти киритилган.

Семинарда, шунингдек, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вакиллари, жумладан, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими етакчи мутахассиси Х. Отажоновнинг «Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Конвенцияларини амалга оширишда иш берувчилар олдидаги вазифалар», юридик бўлим мудири Х. Нуруллаевнинг «Корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатлари ҳамда уларни тартибга солишда иш берувчиларнинг вазифалари», меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири М. Ишметовнинг «Корхоналарда меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратишда иш берувчиларнинг вазифалари» мавзуидаги маърузалари тингланди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Халқимизда «Асад — экинингни ясат» деган нақл бор. Бу бежизга айтилмаган. Негаки, август ойи ғўза парваришида муҳим палла саналади. Эрта кўкламда бажарилган юмушлар самарасини айни шу кунлар ҳал этади.

Ҳар дақиқа ғанимат

Тажрибали деҳқонлар таъбири билан айтганда, айни шу кезларда ғўза кун санайди, гуллар кўсакка, кўсаклар эса қут-баракага айланади. Мазкур ойда агротехник тадбирларни ўта синчковлик билан бажариш керак. Фермер хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси буни чуқур англаган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Тасарруфимиздаги 109 гектар ер майдонининг 25 гектарига ғалла экиб, мўл хирмон кўтаришга муваффақ бўлдик. Шартномада кўзда тутилган 76 тонна ўрнига 81,5 тонна дон сотдик. Биргина ғаллачиликда жорий йилда 6 миллион сўмдан ортиқ соф фойда кўрилди. Бугунги кунда 62 гектар ерда ғўза парваришлаётирмиз. Барча агротехник тадбирларни рисоладагидек амалга оширишга ҳаракат қилаяпмиз. Ғўзани «шарбат» усулида суғоришга алоҳида эътибор қаратилди. Тажрибали миробларимиз ғўзани ғовлатиб қўймай, меъёрида, асосан тунда суғориш ишларини ташкил этишди. Қатор ораларига ишлов беришда культивациянинг аҳамияти катта. Чунки тупроқ тайёр бўлмай, далага техника киритилса, ер палахса бўлиб қотиб қолади. Бу юмушга кеч киришилса, кесак кўчиб, ғўза илдизлари шикастланади. Деҳқончиликнинг шунга ўхшаш нозик томонлари кўп.

Табиат ҳар йили деҳқон матонатини синовдан ўтказади. Гоҳ қайноқ, гоҳ салқин кунлар иш услубларида ўзгаришлар қилишга ундайди. Нисбатан бироз салқин келган шу кунлар янада ҳушёрлигимизни оширди. Чунки салқин об-ҳавода зараркунанда ҳашаротлар кўпайишига шароит туғилиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун олдиндан биологик услубда курашишга ҳозирлик кўриб қўйганмиз.

Дала меҳнаткашлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ишчи коржомалари, зарур иш қуроллари билан тўла таъминланган. Уч маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. Ходимлар маош билан ўз вақтида таъминлаб келинаётир. Бундан ташқари, ҳар бир аъзони қўшаётган ҳиссасига қараб рағбатлантириш йўлга қўйилган.

Бу йил пахтамиз ўтган йилдагидан эртароқ пишиб етилиши кутилаётир. Экинимизнинг бугунги ҳолати шундан далолат бериб турибди. Ҳар бир дақиқанинг қадрига етиб, мўл хирмон тараддудини кўришимиз зарур. Меҳнатимиздан барака топишимизга ишонамиз.

Нурали МУСТАФОЕВ,
Нарпай туманидаги «Тепақўрғон» фермер хўжалиги раҳбари

Маърифий тадбир

Эзгулик элчиларига эҳтиром

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан юртимиз аёлларининг бугунги қиёфасини очиб бера олган, тизимда олиб борилаётган ишларни, Қўмита фаолиятини ёритишда яқиндан ёрдам берган теле ва радиодастурлар, ахборот агентликлари, газета ва журналлар ҳамда веб-саҳифаларни рағбатлантирувчи «Эзгулик элчиларига эҳтиром» номли маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Унда турли вазирлик ва ташкилотларнинг матбуот котиблари, ахборот агентликлари ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда Хотин-қизлар қўмиталари муассислиги ва ҳамкорлигидаги нашрлар вакиллари иштирок этди.

Тадбир дастурига мувофиқ, оммавий ахборот воситалари жонкуярлари ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

— Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — аёлларга оид давлат сиёсатини жамоатчиликка етказиш, қўмита тизимида олиб борилаётган ишларни матбуотда янада кенг ёритиш, ҳудудий Хотин-қизлар қўмиталари муассислиги ҳамда ҳамкорлигида чоп этилаётган нашрларни янада фаолроқ бўлиб, тизимда амалга оширилаётган ишларни таҳлилий-танқидий руҳда кенгроқ ёритишга руҳлантиришдан иборат, — дейди Хотин-қизлар қўмитаси матбуот хизмати раҳбари Гулжамол Асқарова.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 7-avgust № 95 (3444)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ҲАЗОРАСП ЧИННИСИ ХАРИДОРЛАРГА МАНЗУР

Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп чинни» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ва нисбатан арзонлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Жорий йилда иш бошлаган корхона энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш жараёнига тажрибали мутахассислар жалб этилгани рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бераётир. Буюмларни ясашдан то безаш ва қадоқлашгача бўлган барча жараёнлар шу ернинг ўзида амалга оширилмоқда.

— Чинни буюмларни тайёрлаш технологияси у қадар мураккаб эмас, — дейди корхона ишчиси Шоҳруҳ Матлатипов. — Бу ерда дастлабки хомашёни сифатли элакдан ўтказиб, тозаланишига алоҳида аҳамият қаратилади. Бошқа жараёнлар махсус технологиялар ёрдамида амалга оширилади. Тайёр бўлган маҳсулот қуритилиб, 13-15 соат мобайнида иссиқ ҳароратда пиширилади.

Касб-ҳунар коллежини битирган 15 нафар ёш меҳнат қилаётган корхонада ишлаб чиқариш кўлами ва маҳсулот турини янада кенгайтириш бўйича янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Корхона раҳбари О.Рўзиматовнинг айтишича, турли ташкилот, меҳмонхона, ресторанлар буюртмаси асосида тантана ва тадбирлар учун идишлар, «Пахта», «Атлас» каби миллий номлар билан аталган махсус чинни тўпламлари тайёрланмоқда.

А.ШОКИРОВ,
ЎзА мухбири.

Суратда: *«Ҳазорасп чинни» масъулияти чекланган жамияти ишчиси Олмахон Раҳимова.*

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат

Фидойилар

Озод ва обод Ватанимизда фидойилик билан, элим деб, юртим деб меҳнат қилган ҳар бир киши эътибор ва эътирофга мушарраф бўлади, қадр-қиммати ошади, ҳурмат топади. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ташкил этилаётган «Ўз касбининг моҳир эгалари»ни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш, тақдирлаш тадбирлари ҳам муайян бир соҳада кўп йиллар меҳнат қилиб келаётган, соҳани ривожлантиришда ютуқларга эришиб, янгиликлар яратаётган, ёшларга ўз касбининг сир-асрорини ўргатиб, шогирдларни ортидан эргаштираётган, жамоатчилик ишларида фаол иштирок этаётган замондошларимизга эътиборнинг ҳақиқий намунасидир.

Ўз касбининг моҳир эгалари

Қашқадарё вилоятида ҳам ушбу тадбирлар уюшқоқлик билан ташкил этилди. 1755 та бошланғич ташкилотда ўтган тадбирнинг биринчи босқичида 11683 нафар номзоднинг ҳужжатлари кўриб чиқилиб, улардан 894 нафари турли номинациялар бўйича тақдирланди. Туманлар миқёсигида босқичда 767 нафар номзоддан 195 нафари саралаб олинди ва, ўз навбатида, улар вилоят босқичида иштирок этди.

Танлов якунларига кўра, агросаноат мажмуи ходимлари, таълим, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш ва фармацевтика, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари, давлат муассасалари ва жамоат хизмати тармоқларининг ҳар биридан беш нафардан ўз касбининг фаоллари аниқланиб, ғолиблар ҳужжатлари тадбирнинг республика босқичига тақдим этилди. Биз қуйида ўз касбининг моҳир эгалари деган эътирофга лойиқ кўрилган фидойи замондошларимиздан баъзилари ҳақида мухтасар тўхталамиз.

Бахши муаллим

Деҳқонобод туманидаги 30-ўрта умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бераётган Қаҳҳор Раҳимов 36 йилдан буён ушбу шарафли касбни ардоқлаб келади. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳамкасблари ва шогирдларидан ёрдамини аямайдиган фидойи ўқитувчи Президентимиз Фармонига кўра, 2001 йилда «Ўзбекистон халқ бахшиси» фахрий унвонига сазовор бўлган.

У достон куйлаганда қалби дарё тўлқинларидай тошади, дўмбирасини чертиб, илҳоми чунон жўшади, жаннатмонанд юртимизни тараннум қилиб, шижоати ўн чандон ошади.

Қаҳҳор бахши бахшичилик сирларини ёш авлодга етказишда ҳам тиним билмайди. Шунингдек, у ижод намуналарини тўплаб, «Мангулик жавоҳири» деган китоб чоп эттирган.

Ихтирочи механизатор

Миришкор туманидаги «Миришкор Турон агротехсервис машина трактор парки» масъулияти чекланган жамиятининг тракторчи-комбайнчиси Ўктам Чориевнинг ўз касбини ардоқлаб келаётганига 24 йил бўлди. Бой тажриба, йиллар силсиласида орттирилган билим ва кўникмалар меҳнат зафарлари сари етаклаётир. У ўзига бириктирилган «Кейс-2366» русумли замонавий дон ўриш комбайни билан 2011-2013 йиллар мобайнида 1450 гектар ўрнига 2627 гектар майдон ғалласини ўриб, режани 180 фоизга бажарди. «МХ-2550» русумли ҳайдов трактори билан сўнгги уч йилда 4517 гектар ер майдонини шудгорлади. У ёқилғи-мойлаш материалларини тежаб, эҳтиёт қисмларидан самарали ва узоқ муддат фойдаланишга ҳаракат қилади. Сўнгги уч йил мобайнида 10 миллион 707 минг сўмни тежашга, жамиятга 47 миллион 697 минг сўмлик соф фойда келтиришга эришди. Тажрибасидан келиб чиқиб, 2011 йилда ўзига бириктирилган комбайннинг дон янчиш қисмидаги хизмат муддатини ўтаб бўлган ускунани янгисига алмаштириш ўрнига қўлбола мослама ўрнатиш натижасида мазкур қисмдан яна қўшимча икки мавсум давомида фойдаланишга эришиб, жамиятга уч миллион сўмдан ортиқ соф фойда келтирди. Унинг ушбу тажрибасидан барча комбайнчилар муваффақиятли фойдаланиб келишаётир.

Шунингдек, моҳир тракторчи кўплаб шогирдлар етиштирганки, улар бугун тумандаги бир қатор қишлоқ хўжалик ташкилотлари ва фермер хўжаликларда фаолият кўрсатмоқда.

Ишбилармон

Усмон Аслоновнинг Муборак туманидаги «Гулистон» фермер хўжалигини бошқараётганига йигирма йилдан ошди. Хўжалик мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ташкил топган бўлиб, ўша пайтда ер майдони 50 гектар эди. Ҳозирги кунда эса 131,1 гектарга етган.

Фермер 2010-2012 йилларда давлатга жами 563,7 тонна пахта топшириб, шартнома режасини 115,3 фоизга бажарди. Ҳосилдорликни эса ўртача 28,5 центнерга кўтарди. Шу даврда ғалла етиштириш бўйича шартномани ўртача 103,4 фоизга бажариб, гектаридан 58,3 центнердан ҳосил олди. Жорий йилда ҳар гектар ғаллазордан 51 центнердан дон етиштириб, шартнома режасини 104, 6 фоизга уддалади. Хўжаликда сўнгги уч йилда 105 миллион 448 минг сўм соф фойда олиниб, рентабеллик 16,3-19,3 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжалиги ишчилари ташаббуси билан 5 гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланиб, фермер хўжалиги атрофида 300 туп мевали ва манзарали дарахтлар экилди. Сўнгги уч йилда 11 та янги иш ўрни яратилди. Муборак саноат хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиларидан 6 нафари иш билан таъминланди.

Ҳозирги кунда фермер хўжалигида 85 нафар, яъни 18 нафари доимий, 67 нафар мавсумий ишчи самарали фаолият юритяпти...

Унинг деҳқончиликда яратган тажрибасини оммалаштириш мақсадида бир неча марта семинар-кўргазмалар ташкил қилингани ҳам эътиборлидир.

(Давоми 4-саҳифада).

Матбуот анжумани

Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорти агентлигида Фарғона водийси шаҳарлари ва Тошкент шаҳрини боғловчи янги такси йўналишларининг очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

— Фарғона водийси вилоятлари аҳолисига автотранспорт хизматлари кўрсатиш сифатини яхшилаш ва ташувлар хавфсизлигини таъминлаш, жумладан, пойтахтга енгил автомобилларда қонунга риоя этилган йўловчи ташишни ташкил этиш мақсадида ҳукумат топшириғи ва мутасадди идоралар таклифига кўра Автомобил ва дарё транспорти агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамда тегишли маҳаллий ҳокимият органлари биргаликда «Тошкент — Андижон», «Тошкент — Наманган», «Тошкент — Фарғона» ва «Тошкент — Қўқон» такси йўналишларини очиш бўйича тайёргарлик ишларини амалга оширди ва мазкур йўналишларнинг бугун-эрта ишга туширилиши режалаштирилмоқда, — деди агентлик бошлиғи ўринбосари Ш.Шоваҳобов.

Янги такси йўналишлари

Тадбирда агентликнинг Автотранспортда хавфсизликни таъминлаш бўлими бошлиғи Т.Жамолхўжаев мавзу юзасидан тақдимот ўтказиб, янги йўналишларни очиш борасида амалга оширилган тайёргарлик ишлари, Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги йўналишларнинг охирги бекатлари — барпо этилган автостанцияларда йўловчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди.

Мазкур такси йўналишларининг охирги бекатлари сифатида Тошкент шаҳрида — Бектемир туманида жойлашган «Водий» автостанцияси, Фарғона шаҳрида — «Фарғона» автовокзали, Андижон шаҳрида — «Узумзор» автостанцияси, Наманган шаҳрида — «Наманган» автостанцияси, Қўқон шаҳрида — «Данғара» автостанцияси танланган бўлиб, уларда автомобиллар тўхтаб туриши, йўловчиларни олиш ва тушириш учун махсус жойлар, рейс олдидан ҳайдовчиларни тиббий ва автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш масканлари, йўловчилар ва ҳайдовчилар учун турли қулайликлар, жумладан, маълумот бериш хонаси, овқатланиш ва дам олиш жойлари, меҳмонхоналар, чиптахоналар барпо этилган.

Шу ўринда қайд этиш керакки, автотранспорт воситаларида йўловчиларни ташиш фаолияти тегишли лицензияга эга бўлган юридик корхоналар томонидан амалга оширилади. Шахсий автотранспорт воситалари эгалари шундай юридик корхонага аъзо бўлган ҳолда фаолият юритишлари мумкин. Юридик корхоналар ўз таркибига қўшилган барча автотранспорт воситаларини лицензия варақалари билан таъминлайди ва маълум бир йўналишларда фаолият юритиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун очиқ тендер танловларида иштирок этади.

Йўналишли такси сифатида фаолият кўрсатадиган енгил автомобиллар умумий техникавий талаблар стандарти асосида, автомобилнинг рангидан қатъи назар, бир қатор ажратувчи белгилар ҳамда маълумотлар билан таъминланиши шарт.

Автомобил транспортида йўловчилар ташиш фаолияти билан лицензиясиз шуғулланиш «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодекснинг 176-3 бандига кўра фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан юз бараваригача; мансабдор шахсларга эса эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ушбу ҳолат маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран содир этилганда эса Жиноят Кодексининг 190-2 бандига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бандлик

Хўжайли туманида аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойлари яратиш дастури бўйича 5342 кишини иш билан таъминлаш режалаштирилган бўлиб, бу борада бир мунча ишлар амалга оширилди. Ўтган олти ой давомида янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил этиш ва кенгайтириш, хусусий тадбиркорлик, шунингдек, уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан 2695 та иш ўрни яратилди.

2695 ТА ИШ ЎРНИ

— Йил бошидан буён марказимизга 1106 нафар фуқаро мурожаат қилди, — дейди марказ директорининг муовини Мурат Худайбергенов. — Шундан 1100 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди. Аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами бандлигини таъминлаш учун 186 та иш ўрни квоталанган эди. Ҳозиргача кам таъминланган оила аъзоларининг 82 нафари ишга жойлаштирилди.

Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан 2014 йилда 8 та махсус бўш иш ўрни ярмаркасини ўтказиш режалаштирилган. Шу кунгача ўтказилган тадбирларда тумандаги 210 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари 470 та иш ўрни билан қатнашди. Ярмаркалар давомида 82 нафар ёш, 59 нафар хотин-қиз, 14 нафар муддатли ҳарбий хизматдан бўшаганлар бандлиги таъминланди.

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида 125 нафар пенсионерга санаторийларга йўлланмалар берилиб, 28 нафар ногиронга аравачалар, 12 та ҳасса, 17 та қўлтиқтаёқ, 3 та эшитиш аппарати топширилди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch» мухбири

Намунали бошланғич ташкилотларда

Андижондаги фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилотларда Фарғона ҳамда Наманган вилоятлари вакиллари иштирокида ўзаро тажриба алмашишни ташкил этиш мақсадида амалий ўқув-семинар ўтказилди.

Қатнашчилар дастлаб «Олтинкўл водий гулшани» фермер хўжалигида бўлиб, меҳнаткашларга яратилган шароитлар, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар билан танишдилар. Тажрибали пахтакор, Ўзбекистон Қаҳрамони Сиёсатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган мазкур хўжаликда ҳар мавсумда ғалла ва пахтадан юқори ҳосилдорликка эришилмоқда ва бу қўшимча тармоқлар фаолиятининг тобора ривож топишига хизмат қилмоқда.

Тажриба алмашув

муваффақиятлар омили бўлмоқда

Жорий йилда 41 гектар майдонга буғдой етиштирилди. Парваришдаги узвийлик, барча агротехник тадбирлар ижросида муддат ва сифат уйғунлигига эришиш мўл ҳосил гарови бўлди. Ўрим-йиғимнинг дастлабки кунларидаёқ дон сотиш шартнома режаси ортиғи билан уддаланди. Давлат буюртмаси бажарилгандан сўнг ортиб қолган 8 гектар ғаллазордаги ҳосил деҳқонлар меҳнатига муносиб сийлов бўлди.

Айтиш жоизки, хўжаликда Озиқ-овқат дастури ижросини таъминлаш мақсадида ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш, полиз ва сабзавот экинлари етиштириш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Шийпон ёнидаги 60 сотих боғда мевали дарахтлар шиғил ҳосилга кирган. Боғ атрофига ва орасига кундалик эҳтиёжга яраша шийпондаги таъминот ва хўжалик аъзоларининг рўзғори учун бир йилга етадиган сабзавот экилади. Картошка, карам, сабзи, бодринг, дуккакли ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Саккиз сотих ер арчазор. Дарахтлар орасида помидор ва булғор қалампири парваришланади. Барча маҳсулотлар кундалик истеъмол ва қишга захира учун етарли.

Фермер хўжалигида тикувчилик цехи ва қолипли нон тайёрлаш шохобчаси ташкил этилган. Андижон шаҳрининг марказий деҳқон бозорида нон шохобчасининг дўкони ишлаб турибди. Шу тариқа 14 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди.

Ҳар йили август ойида хўжалик аъзолари учун водийнинг хушманзара жойлари бўйлаб саёҳат ва дам олиш кунларини ўтказиш анъанага айланган. Меҳнат қилаётган ҳар бир кишининг моддий ва маънавий рағбатлантирилиши, иш ва яшаш шароитининг яхшиланиши, талаб ва таклифларни инобатга олиб, намунали лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларга эга бўлиш, фарзандларнинг олий ўқув юртларидаги шартнома тўловларини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ўз вақтида ёрдам бериш сингари омиллар фермер хўжалиги фаолияти мазмун-моҳиятини белгиламоқда.

Семинар доирасида меҳмонлар «Ўз Донг Жу Пэинт Ко» қўшма корхонасининг резина жипсловчи қисмлар ишлаб чиқариш цехига ташриф буюрдилар. Ўтган йили мазкур жамоанинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловида «Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларга хавфсиз шароитлар яратиб берилишида ижобий натижаларга эришган корхона» номинацияси ғолиби бўлганлиги бежиз эмас.

Қарийб 200 киши меҳнат қилаётган цехда ходимлар учун барча қулайлик муҳайё. Жумладан, уларнинг ишга келиб-кетиши учун махсус автобус қатнови, мавсумий кийим-кечаклар, тушлик учун калорияга бой таомлар, сутқатиқ маҳсулотлари таъминоти йўлга қўйилган. Корхона қошидаги тиббий бўлимнинг малакали шифокорлари томонидан ходимлар белгиланган муддатда кўрикдан ўтказиб борилади. Наврўз, Мустақиллик ҳамда Янги йил байрамларини жамоа иштирокида, тўкин дастурхон атрофида нишонлаш анъанага айланган. Бу тадбирларда илғор ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланади.

— Ҳар икки бошланғич ташкилот фаолияти барчамизда ҳавас уйғотди, — дейди семинар иштирокчиси, наманганлик Гулбаҳор Маматқулова. — Ўйлайманки, бу каби семинарларнинг тез-тез ўтказиб турилиши фойдадан холи эмас. Вилоятлараро тажриба алмашиш ва ҳамкорликнинг янада мустаҳкам йўлга қўйилиши барчамизнинг умумий ишимизга яқиндан ёрдам беради.

Шу куни меҳмонлар Олтинкўл туманидаги 35-умумтаълим мактаби, Андижон туманидаги «Фусункор» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Андижон олимпия захиралари коллежида ҳам бўлиб, бошланғич касаба уюшма қўмиталарининг ютуқ ва тажрибалари билан яқиндан танишди.

Семинар қизғин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Нурилло НЎЪМОНОВ,
«Ishonch» мухбири

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблари

Санжар ота изидан бориб, шифокорликка меҳр қўйди. У Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти стоматология факултетида ўқиб юрган пайтларидаёқ, ўз тиришқоқлиги, изланувчанлиги ва билимга чанқоқлиги билан ажралиб турарди. Ўтказиладиган тадбирлар, кўрик-танловларда фаол қатнашиб, ғолиблар сафидан ўрин оларди. Муҳими, ҳамиша соҳа янгиликларидан хабардор бўлишга, уларни амалиётда қўллашга интиларди.

Интилганга толе ёр

Соҳа сир-синоатларини мукаммал ўзлаштиришга аҳд қилган Санжар икки йил давомида мазкур институтнинг «Хирургик стоматология» йўналишидаги клиник ординатурасида ўқишни давом эттирди. Ҳозирда вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида фаолият кўрсатиш билан бирга, ўриндошлик асосида ўзининг қадрдон кафедрасида ассистент лавозимида иш олиб бормоқда.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг 2 та давлат грантини қўлга киритган.

Ёш мутахассис 2010 йили вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази билан институтнинг «Хирургик стоматология» кафедраси ҳамда вилоят Скрининг маркази ҳамкорлигидаги инновацион корпоратив лойиҳалар шартномаси асосида ўз илмий лойиҳасини бошлади. Шунингдек, у IV республика илмий-инновацион ярмаркасида иштирок этиб, соҳасига алоқадор янги ғояларни амалда қўлламоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Санжар Шаропов 2011-2012 йилларда давлат грантларига эга бўлиб, «Касалликларга ташхис қўйиш, даволаш ва уларнинг профилактикасида янги технология кафедраси ҳамда усулларни ишлаб чиқариш асосида аҳоли соғлиғини сақлаш» дастури асосида «Юз-жағ соҳасидаги туғма нуқсонларни эмбрионал даврда эрта аниқлаш ва уларни неонатал-постнал комплекс даволаш» усуллари устида иш олиб борянпти. Бу борада у вилоятдаги бир қатор нуфузли муассасалар қатори Фанлар академиясининг Иммунология институти ва Тошкент Тиббиёт академиясининг «Болалар стоматологияси» кафедраси билан ўзаро алоқани яхши йўлга қўйган. Ҳозиргача унинг узоқ хорижий, МДҲ ва маҳаллий нашрларда монография ва 40 дан ортиқ илмий мақоласи чоп этилди.

Санжар устози Амрилло Иноятов раҳбарлигида Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида 2013 йил сентябр-октябр ойларида республика «Бола табассуми — оила қувончи» шиори остида ташкил этилган 93 нафар юз-жағ соҳаси туғма ва орттирилган нуқсони бор бемор болада пластик жарроҳлик амалиёти ўтказилишида фаол иштирок этди. Шу билан бирга, нафақат вилоят, балки минтақамиз, қолаверса, қўшни мамлакатлар Туркманистон, Қозоғистон мазкур бўлимда даволаниш учун келаётган юз-жағ соҳасида туғма нуқсони бор болаларнинг даволаниб, тез шифо топиб кетишига С.Шаропов ҳам муносиб ҳисса қўшаётир.

— Жамоамизда салоҳияти юқори ёш мутахассислар оз эмас, — дейди вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи, тиббиёт фанлари номзоди Асрор Шамсиддинов. — Бироқ Санжарнинг ўрни бўлакча. Ундан умидимиз катта. Истиқболи порлоқ шифокор бўлиши шубҳасиз.

Эътироф бежиз эмас. Эндигина 27 баҳорни қаршилаган Санжар Шаропов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан жорий этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг «Энг фаол ёш шифокор» номинациясида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллади.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 7-avgust № 95 (3444)

Истиқлол

БЕРГАН ИМКОН

Ўзбекистоннинг инвестициявий сиёсати

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

II қисм

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида 1996 йилдан буён корхоналарнинг инвестиция фаоллигини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали фойдаланиш мақсадида Давлат инвестиция дастури амалга ошириб келинмоқда. Ушбу инвестиция дастурлари ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий жиҳатдан қуроллантириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш жараёнларини амалга ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш учун хизмат қилмоқда.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш иқтисодиётни ривожлантиришга ёрдамлашади ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар учун кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Ана шуни эътиборга олиб, ҳукуматимиз мамлакатда инвестицион муҳитни шакллантиришга шароит яратиш ва унинг ишлашини тезлаштириш, рағбатлантириш мақсадида бир қатор қонунлар ишлаб чиқиб, уларни ҳаётга татбиқ этди.

Макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллиги сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 11,6 баробар ўсиши учун имкон берди. Кейинги йилларда ҳам иқтисодиётимизга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми ўсиб бормоқда. Масалан, рақамларга назар соладиган бўлсак, 2010 йилда 9,7 млрд. доллар, 2011 йилда 10,7 млрд. доллар, 2012 йилда 11,7 млрд. доллар, 2013 йилда 13 млрд. доллар миқдорида ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди. 2013 йилда жалб этилган инвестицияларнинг 23 фоиздан ёки 3 млрд. доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 72 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони ҳам ортиб борди. Жумладан, 1991 йилда уларнинг сони 191 та, 1996 йилда 3000 та, 2000 йилда 3446 та, 2010 йилда 4201 тани ташкил этган бўлса, 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра 4467 тани ташкил этди.

Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда нуфузли халқаро молия ташкилотлари (Жаҳон Банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки) ҳамда ривожланган мамлакатлар молия институтлари қатнашмоқда.

Йирик инвесторлар жумласига қуйидаги компанияларни киритиш мумкин: тамаки саноати соҳасида «БАТ Индастриз» компанияси, «Газпром», «Лукойл», транспорт самолётлари соҳасида «Кореан Эйр», тоғ-кон қазиб олиш саноати соҳасида «Ньюмонт Майнинг» ва енгил машина, текстил, электротехника саноати ва телекоммуникация соҳаларида «ДЭУ Корпорейшн» ҳамкорлик қилмоқда. Ва энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг катта корхоналар ишга тушди: «Кўқдумалоқ» конидаги компрессор станцияси, Бухородаги нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона водийсида «Қўқон», Янгийўл биокимё заводида спирт ишлаб чиқариш ва Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги тикиш фабрикаси, Ангрен заводида каолин ишлаб чиқариш ҳамда Шўртан нефтгаз комплексида полиэтилен ишлаб чиқариш линиясини қуриш лойиҳаси амалга оширилди.

Узунлиги 223 километр, қиймати 447 миллион АҚШ долларига тенг бўлган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши 2007 йил 24 августда тугалланди ва ишга туширилди, 2009 йилда «Андижон-Ўш», «Қўнғирот-Бейнов», «Денов-Турсунзода» ва Термиз-Хайротон» йўналишлари бўйича халқаро алоқа линиялари ишга туширилди. 2010 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун Осиё тараққиёт банки билан 600 миллион доллар миқдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Биргина 2013 йилда мамлакатимизда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳаларни амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди, яъни мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўплаб йирик саноат корхоналари қуриб ишга туширилди. Бундай бунёдкорлик ишлари мамлакатимизда барпо этилган «Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» махсус индустриал зоналарда ҳам давом эттирилди.

2013 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилди. Масалан, умумий фойдаланишдаги 530 километрлик автомобил йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Тўрт қаторли «Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов» автомобил йўлининг 141 километрлик тармоғини цемент-бетон билан қоплаш, тўрт қаторли «Тошкент — Ўш» автомобил йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтадиган 18 километрлик қисмида асфалт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди, ана шу йўлнинг Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик тармоғи, шунингдек, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди ҳамда Бухоро шаҳридаги халқа йўлда йўлўтказгич қурилиши якунига етказилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун 2013 йилда Республика йўл жамғармаси ва халқаро молия институтларининг 565 миллион доллар қийматидаги маблағлари жалб этилди.

2013 йилда темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилди. Йил давомида ушбу мақсадлар учун 447 миллион доллар қийматидаги капитал қўйилмалар йўналтирилди. Бу ўз навбатида 240 километрлик темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, ўз кучимиз билан 550 та юк, 30 та йўловчи ташийдиган вагон ишлаб чиқариш имконини берди. Ҳозирги кунда «Ангрен — Поп» йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлини ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуриш ишлари бошлаб юборилди, бу тоннел 2016 йилда ишга тушиши мўлжалланган.

Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сураётган бир шароитда ҳам улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга, албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестициялар дастурлари ҳамда қулай инвестиция муҳити яратилгани асосий омил бўлмоқда.

Келгуси йиллардаги асосий устувор йўналишлардан бири мамлакатимизда, энг аввало, жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, чет эл инвесторлари учун кафолатлар яратиш ҳамда уларнинг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш 2011— 2015 йиллар давомида 13 млрд. доллардан зиёд ёки 2006 —2010 йилдагига нисбатан 1,7 баробар кўп тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлайди. Ушбу маблағлар энг илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хомашё ресурсларини қайта ишлаш ҳамда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга хизмат қиладиган янги саноат корхоналарини ташкил этиш бўйича чет эл инвесторлари иштирокидаги 320 тадан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишга йўналтирилади.

Умуман олганда, 2011— 2015 йилларда жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 18,6 млрд. долларни ташкил этиши ёки 2006 — 2010 йилдагига нисбатан 2 баробар кўп бўлиши прогноз қилинмоқда. Уларнинг 75 фоиздан ортиғини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил қилади.

III қисм

Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва дунё бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, айниқса, эркин иқтисодий зоналарни барпо этиш ижобий натижаларга олиб келиши тажрибадан маълум.

Маълумотларга қараганда, ҳозирги пайтда дунёдаги 120 мамлакатда 3000 га яқин эркин иқтисодий ҳудудлар (ЭИҲ) мавжуд.

Бугунги кунда аксарият давлатлар, хусусан, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Мексика, Руминия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларда ҳудуднинг жуғрофий ва бошқа қулайликларидан келиб чиққан ҳолда, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш анъанага айланган. Бундай зоналарни ташкил этишдан асосий мақсад — минтақани жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун мамлакат ва чет эл инвестицияларини, истиқболли технология ҳамда бошқарув тажрибасини жалб этиш орқали унинг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали замонавий бозор инфратузилмаларини ташкил этишдан иборат.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ва улар фаолиятига доир муносабатлар 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тартибга солинади. Кейинги йилларда бу Қонунга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунида «...Эркин ишлаб чиқариш зоналари мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастур бўлиб, янги ишлаб чиқариш муносабатлари асосида алоҳида олинган ҳудудда тадбиркорликни рағбатлантириш, иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этиш, истиқболли технологияларни эркин рақобат, маъмурий-иқтисодий мустақиллик ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш тамойиллари асосида жорий этилишидир. Бу мақсад учун ўша ҳудудда жойлашган корхоналарни ижарага олиш, кооператив, қўшма ва чет эл корхоналарини қуриш ва уларни эксплуатация қилиш эвазига эришилади», деб таъкидланади.

Эркин индустриал-иқтисодий зона — мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини, биринчи галда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини фаол жалб этишнинг муҳим омилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона (ЭИИЗ) ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳам бозор муносабатларида янги, янада самарали босқичга ўтишни назарда тутади. Ушбу ҳужжатга асосан, мазкур зонанинг фаолият кўрсатиш муддати 30 йилга белгиланган, бу муддат кейинчалик узайтирилиши ҳам мумкин.

Эркин иқтисодий зонада фаолият юритадиган инвесторларга ҳар томонлама қулайлик яратиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан махсус божхона, солиқ, валюта ва чет эл фуқароларининг кириб-чиқиши соддалаштирилган режим тўғрисида бир қатор норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда, бу ҳудудда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этиш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, замонавий, яъни, юқори унум билан ишлайдиган техника ва асбоб-ускуналар, линиялар, модуллар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон стандартларига жавоб берувчи ва жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришдир.

Мазкур ҳудудда электротехника ва электрон маҳсулотларнинг кенг номенклатураси, машинасозлик, автомобил саноати бутловчи қисмлари, озиқ-овқат, фармацевтика маҳсулотлари ва тиббиёт ускуналари ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Инвесторларнинг асосий қисмини Жанубий кореялик ишбилармонлар ташкил этади. Бу бежиз эмас, чунки, Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Айниқса, нефт-газ, кончилик, нефт кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДҲда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади,тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

Жаҳон андозаларига мос «Навоий» халқаро аэропортида кўплаб хорижий мамлакатларга юк ва йўловчи ташувчи самолётлар парвози йўлга қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормоқда. Унда 20 дан ортиқ давлат ўз инвестиция лойиҳалари билан иштирок этиш истагини билдирди. Биргина Жанубий Корея билан умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 та сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди. Араб мамлакатларининг йирик компаниялари ҳам ўз сармояларини ушбу зонага киритишга иштиёқманд эканликларини яширмаяптилар. Жумладан, Бирлашган Араб Амирликлари ва Уммон давлатининг йирик компаниялари ушбу зонада инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш имконияти мавжудлигини билдирди.

Миллий иқтисодиётимиз тарихида Навоий вилоятининг алоҳида ажратилган ҳудудида бундай қулай инвестициявий муҳит яратилиши тадбиркорлик ва бизнес фаоллашувига, унинг ривожига ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратди. Мазкур ҳудудда замонавий технологиялар негизида импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош, жаҳон бозорида ўз харидорига эга бўладиган товарларни ишлаб чиқарадиган корхоналар қад кўтараётир. Бунинг натижасида 36 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда.

> ● Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг энг муҳим шарти ва манбаи бўлмоғи керак.
>
> ***
>
> ● Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса, айни шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик. Бу — аниқ гап.
>
> ***
>
> ● Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.
>
> Ислом КАРИМОВ

Амалга оширилган чора ва тадбирлар натижасида, яъни чет эл инвестицияларини жалб этиш, хорижий сармоядорлар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бугун ўз сармоясини бермоқда. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудидаги хўжалик юритувчи субъектларда кенг қўламдаги юқори технологияли, замонавий ускуналар ва технологик линиялар ҳамда модулларни, инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Натижада, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, моделлар, полиэтилен ва пропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 3 минг тонна сиғимга эга бўлган, замонавий усулда газ муҳитини бошқариб борадиган (РГС) совутиш камералари ташкил этилди ва бунинг учун лойиҳа қиймати 8,3 миллиард сўмга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди. Лойиҳага асосан, «Марказсаноатэкспорт» ДАТСК ва «Kefayat General Trading Co LLC» (БАА) компанияси маблағлари сарфланди.

Айни пайтда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси, АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа мамлакатлар иштирокидаги 25 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Юқори технологиялар асосида автосаноат учун зарур эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқараётган «Uz Eral Cadle» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси шулардан биридир. Бугунги кунда ушбу корхонада 39 турдаги автомобил кабеллари ишлаб чиқарилмоқда. 2012 йилда амалга оширилган модернизациялаш тадбирлари натижасида Жанубий Кореядан келтирилган 272 минг АҚШ долларилик технологик ускуналар ёрдамида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган «Cobalt» русумли автомашина аккумуляторлари учун жгут тайёрланмоқда.

Ҳудудда самарали фаолият юритаётган корхоналар қаторига «ЎзМинда» қўшма корхоналарини ҳам киритиш мумкин. «Ўзавтосаноат» АК ва Ҳиндистоннинг «Minda Capital Ltd» компанияси инвестициялари асосида ташкил этилган мазкур корхонада «Telecom innovations» рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи DSLAM ва ADSL моделлари ишлаб чиқарилаётир.

Ҳозирги кунда ушбу қўшма корхонада «DSLAM» ва «ADSL» моделлари билан бирга, рақамли «IPTV» қурилмалари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди. Мазкур янги ускуна ёрдамида рақамли телевидение сигналларини интернет тармоғи орқали қабул қилиш мумкин. 2013 йилда ҳам ушбу корхонада модернизация ишлари давом эттирилиб, 400 минг АҚШ долларилик инвестиция ўзлаштирилди. Умуман олганда, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида фаолият кўрсатаётган «Telecom innovation» қўшма корхонасига киритилган 582 минг АҚШ долларилик хориж инвестицияси эвазига бу ерда ишлаб чиқариш қуввати икки баробар ортди.

* * *

Юқори қўшилган қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, шунингдек, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 13 апрелда «Ангрен» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур ҳужжат асосида индустриал зонада хорижий ва маҳаллий сармоядорлар томонидан юқори ва замонавий технологияларга асосланган истиқболли инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилгани кутилган самараларни бермоқда. Ушбу зона фаолият юритиши учун 25 гектар ер майдони ажратиб берилган ва ҳозирги пайтда бу ерда бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

«Ангрен» махсус индустриал-иқтисодий зонаси Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари ҳудудларини, «Тошкент — Андижон» автомобил йўлининг 78 километридан 101 километргача бўлган шимолий қисмини ўз ичига олган.

Ҳозирги кунда бу ерда қиймати 216,2 миллион АҚШ долларилик 11 инвестиция лойиҳаси ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Масалан, шакар заводини қуриш, ишлатилган автомобил мойларини қайта ишлаш, терига ишлов бериш, турли ўлчамдаги мис қувурлари, кўмир брикети ва санитар-керамикалар тайёрлаш ва бошқа йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирлар шулар жумласидандир. Киритилган инвестициялар ҳажмига қараб, корхоналар учун 3 йилдан 7 йилгача бўлган муддатга кенг қўламли солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар қўлланилмоқда. Уларнинг инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқларидан кафолатли фойдаланишлари таъминланаяпти. Натижада, бу зонада яратилган қулай инвестиционер муҳит хорижий инвесторларнинг қизиқишини оширмоқда.

Жанубий Корея, Буюк Британия, Австрия, Сингапур, Ҳиндистон, Болгариянинг етакчи фирма ва компаниялари ҳамкорлигида қўшма корхоналар қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Ҳудудда амалга оширилиши лозим бўлган истиқболли лойиҳалар «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниялари, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзбекчармпойабзали» ва Озиқ-овқат корхоналари уюшмалари ташаббуси ҳамда бир қатор хорижий давлатлар инвесторлари маблағлари асосида қатор қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Олмалиқ кон-металлургия комбинати таъсисчилигида «Ангрен қувур заводи» унитар корхонасини қуриш ва замонавий линияларни монтаж қилиш ишлари ҳозирги пайтда якунланиб мис қувурлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Эътиборли жиҳати, индустриал зонада рўёбга чиқарилаётган шу каби ишлар доирасида Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида 43,5 километрдан ортиқ янги автомобил йўлини барпо этиш ва реконструкция қилиш, 21,4 километрлик сув, 4,2 километрлик конализация тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда электр энергияси ва табиий газ тармоқларини ишга туширишлар режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 2013 йилда 8,5 миллион АҚШ долларига яқин маблағ сарфланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Тошкент вилоятидаги ишлаб чиқариш ҳамда ресурс салоҳиятидан фойдаланиш, Фарғона водийсидаги корхоналар билан барқарор иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишда «Ангрен» махсус индустриал зонасининг ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

* * *

Президентимизнинг 2013 йил 18 март куни қабул қилинган «Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этишга оид Фармонига мувофиқ, мазкур ҳудудда яна бир саноат зонаси ташкил этилди. Бундан кўзланган мақсад — Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини оширишдан иборатдир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон — Хитой саноат паркини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ўзаро англашув меморандумига мувофиқ ташкил этилган мазкур махсус индустриал зона фаолиятининг асосий вазифалари юқори қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган корхоналар ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантиришдир.

Ҳозир Хитойнинг бир қатор етакчи компаниялари «Жиззах» махсус индустриал зонасида юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришмоқда. Бунинг учун қулай шароитлар яратилган, катта солиқ ҳамда божхона имтиёзлари тақдим этилмоқда.

2013 йилнинг апрел ойида Хитойнинг Пекин, Ханьчжоу, Сучжоу ва Шенян каби шаҳарларида Ўзбекистон — Хитой сармоявий анжуманлари бўлиб ўтди. Ушбу анжуман якунига кўра «Жиззах» махсус индустриал зонасида электр техникаси, машинасозлик, фармацевтика, енгил ва озиқ-овқат саноати, замонавий қурилиш материаллари ва полимер маҳсулотлар ишлаб чиқариш каби соҳаларда ҳамкорликда юқори технологияли сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича умумий қиймати 300 миллион АҚШ долларига тенг 51 ҳужжат имзоланди.

Ҳозирги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик – коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда. 2013 йилда мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобил телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

Хуллас, ҳозирги пайтда хитойлик ишбилармонлар «Жиззах» махсус индустриал зонаси ва унга боғлиқ инфратузилмаларда, Юқори технологиялар саноат паркида ўзаро манфаатли қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Мамлакатимизда ташкил этилган юқоридаги учта махсус индустриал зоналардаги корхоналар томонидан 2013 йилда умумий қиймати 100 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

* * *

«Навоий», «Ангрен» ва «Жиззах» эркин индустриал-иқтисодий зоналари келажакда бутун Марказий Осиё минтақасини иқтисодий ривожлантириш моделига айланишга олиб келиши ҳам эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки, Ўзбекистон танлаган иқтисодий сиёсатнинг тўғрилигини бутун жаҳон тан олмоқда. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги ва амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ўзининг самарасини бермоқда. Ўзбекистонда ҳатто жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам юқори иқтисодий ўсишнинг таъминланиши буни ҳар томонлама тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон ЯИМнинг йиллик ўсиши 2008 — 2013 йилларда 8 фоиздан ошди.

Маълумки, ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистон улкан қурилиш майдонига айланган, бу бунёдкорлик ишлари 2014 ва ундан кейинги йилларда ҳам давом эттирилади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади».

2014 йилда мамлакатимизда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларлик инвестиция маблағлари сарфлаш режалаштирилган, бу 2013 йилга нисбатан 10,1 фоиз ортиқдир. Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади. Ушбу йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитлари ўзлаштирилади, бу 2013 йилга нисбатан 29 фоиз кўпдир. 2014 йилда 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида шу йилнинг биринчи ярмида 2696 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди. Чунончи, 1651 янги ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун тижорат банклари томонидан қиймати 555,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди, лойиҳа ташаббускорларининг 730 миллиард сўмлик ўз маблағлари жалб этилди ва 20,5 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилди.

Мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити бизга 2014 йилда ҳам янги ютуқларни қўлга киритишга, яъни ялпи ички маҳсулотни 108,1 фоизга саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 106,0 фоизга, капитал қўйилмаларни 109,5 фоизга ошириш учун барча асослар бор. Шу йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 13, 7 фоиз, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш 10,8 фоиз, аҳолига хизматлар кўрсатиш 14,2 фоизга ўсди ва аҳолининг реал даромадлари эса 18,8 фоизга ошди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошди, кейинги 10 йил давомида республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда. Бундай ўсиш ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига нисбатан ошиб боришида ўз ифодасини топмоқда. Жаҳон банкининг харид қобилияти паритети ҳисобга олинган ҳолда баҳолаши бўйича бу кўрсаткич 2013 йилда 5340 долларни ташкил этди. Бу 2010 йилдагига нисбатан 1110 долларга кўп бўлиб, 2004 йилдан буён эса икки баробар ошганини кўрсатади. Бундай ижобий рақамлар ҳамда натижалар биз танлаган тараққиёт йўли, яъни дунё ҳамжамиятида тан олинган «ўзбек модели»нинг самарасидир.

Америкалик олим Нью-Йорк давлат университети профессори «Глобал илмий тўпламлар» нашрининг директори (АҚШ) Парвиз Морвиж шундай дейди: — «Тараққиётнинг «ўзбек модели» ни чуқур тадқиқ этиш ва унинг асосида тегишли стратегияларни қабул қилиш орқали турли мамлакатлардаги қатор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий масалаларнинг ечимини топиш мумкин. Ўзбекистоннинг микроиқтисодий кўрсаткичлари қисқа муддат мобайнида мамлакат қўлга киритган ютуқларнинг тасдиғи ҳисобланади».

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорида таъкидланганидек, бу истиқлолга эришилгандан кейин ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий тараққиёт йўли танланганлигининг самараси бўлиб, барча ютуқларимиз замирида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сураётганлиги, халқимизнинг фидойи меҳнати, сабр-чидамлиги, бағрикенглиги, матонати ва жасорати ҳамда эртанги кунга мустаҳкам ишончи мужассамдир.

Турғун ЗИЯЕВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг Фахрий доктори,
Тўлқин РАСУЛОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор,
Очил ЯРАШОВ,
Тошкент иқтисодиёт коллежи директори

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 7-avgust № 95 (3444)

ТАБИАТ ҚЎЙНИДА ҲОРДИҚ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли «Бурчмулла» болалар оромгоҳида айни пайтда 320 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқармоқда.

Бўстонлиқ туманининг сўлим ва баҳаво маскани-да жойлашган мазкур оромгоҳда болаларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказиши, саломатлигини мустаҳкамлаб, мириқиб дам олиши учун барча қулайликлар яратилган. Футбол, волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, гимнастика, стол тенниси, инглиз тили, тасвирий санъат, моҳир қўллар каби тўгараклар фаолият олиб бормоқда.

Суратларда: *«Бурчмулла» болалар оромгоҳида.*

ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган суратлар

«Соғлом оила» шиори остида

«Соғлом оила» шиори остида ўтказилаётган спорт мусобақасининг учинчи — вилоят босқичи Сирдарёда кўтаринки кайфиятда ташкил этилиб, қизғин беллашувларга бой бўлди.

Кўтаринки кайфиятда

Ушбу босқичда ота-она ва 12 ёшгача бўлган бир ўғил, бир қиздан иборат 16 та оилавий жамоа югуриш, акробатика элементлари ва тўпни нишонга отиш, «Чаққонлик ва мерганлик» эстафетаси, «Моҳир ҳужумчи», «Овчилар ва қуёнлар» ўйини, «Қаддимизни ростлаймиз, сакрашни бошлаймиз», кўпкураш каби спортнинг 8 тури бўйича ўзаро беллашди.

Боёвут туман агросаноат коллежи ўқитувчиси Нодир Йўлдошев, Гулистон тумани «Сайхун мед сервис» МЧЖ шифокори Абдулбосид Рўзматов бошчилигидаги оилавий жамоалар беллашувнинг биринчи ўрин соҳиби бўлиб, якуний босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

— Ҳар доим спорт билан шуғулланган ва у билан ошно бўлган киши руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлади. Шу боис ҳам оиламиз аъзолари жисмоний тарбия билан мунтазам равишда шуғулланади. Бу каби тадбирлар бизни спорт билан янада яқинлаштиради, — деди Нодир Йўлдошев.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«МАРҒИЛОН БЎЁҚ ТЕКСТИЛ» МЧЖ ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Марғилон шаҳар Б.Марғиноний кўчасидаги «Марғилон бўёқ текстил» МЧЖга юқори босимли газ тармоғини тортиш ишлари».

Бошланғич нархи — 562 846 097 сўм ҚҚС сиз ва 675 415 316 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати — 60 кун.

Қурилиш-монтаж ишлари: «Марғилон бўёқ текстил» МЧЖнинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: «Марғилон бўёқ текстил» МЧЖ.

Манзил: Марғилон шаҳар Б.Марғиноний кўчаси, 440-«Б» уй. Тел: (8 595) 402-74-10.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48.

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Марғилон шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси 440-«Б» уй манзилида ўтказилади.*

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ФАРҒОНА» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ДУК ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Объект номи:

«Фарғона вилояти Фарғона шаҳридаги «Фарғона» аэропорти ҳудудидаги ёқилғи ташувчи автомашиналар учун йиғма темир-бетонли айвон қурилиши».

Бошланғич нархи — 365 868 989 сўм ҚҚС сиз ва 439 042 787 сўм ҚҚС билан.

Қурилиш муддати — 31.12.2014 йил.

Қурилиш-монтаж ишлари: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Буюртмачи: «Фарғона» халқаро аэропорти ДУК.

Манзил: Фарғона шаҳар, «Аэропорт» кўчаси, 16; тел. (8-373) 226-29-95, 226-29-96

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўл кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373) 244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, *Фарғона шаҳар Аэропорт кўчаси 16-уй манзилида ўтказилади.* **Хизматлар лицензияланган.**

Ўзбекистон Автомобил ва дарё транспорти Агентлиги томонидан «SAFFIR QURILISH MONTAJ» МЧЖга қарашли Давлат рақами 01/656 ВАА бўлган «HOWO» русумли автомашинага берилган 1300926 ҳамда 1300927 рақамли лицензиялар йўқолганлиги туфайли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўз касбининг моҳир эгалари

(Давоми. Бошланиши 2-саҳифада).

Яшил бойлик қўриқчиси

Муқумбой Оллобердиев 2005 йилдан буён Қашқадарё Марказий давлат ўрмон хўжалиги Баҳористон бўлимида ўрмонбеги бўлиб ишлайди. Баҳористон ўрмон бўлими вилоятга 2012 йилда 25 минг дона 78 миллион сўмлик, 2013 йилда 45 минг дона 105 миллион сўмлик, жорий йилда 75 минг туп 126 миллион сўмлик кўчатларни сотиб, ўрмон хўжалиги моддий-техника базасини яхшилашга, камёб, манзарали ва мевали дарахт турлари уруғларини териб, кўчатхона барпо этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ҳозирги кунда камёб дарахт кўчатларидан катальпа, Зарафшон арчаси, кинарус, писта, сосус дарахти, заранг, лола дарахти, Қрим қарағайи, «Сурия атиргули», ипак акация, «Даримазим арчаси», ўрмон дарахти (Туркия), фундук ва япон саффораси каби уруғлардан кўчат етиштираётгани эътиборга лойиқ. Бундан ташқари, Муқумбой Оллобердиев 109 та асалари оиласидан 8 миллион сўмлик даромад олди. У 2010 йилда Туркияда асаларичилик бўйича ўтган семинарда қатнашиб, тажриба алмашиб келди.

Ходимларига эътиборли, камтар ва меҳрибон ўрмонбеги кўплаб шогирдларнинг устози ҳамдир.

Давлат хазинасига...

Рустам Андаев Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармасида жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлимининг жисмоний шахслар даромадларини декларация асосида солиққа тортиш, давлат божи ва бошқа даромадлар шўъбаси катта инспектори лавозимида ишлаб келмоқда.

Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан 2014 йилнинг 1 июн ҳолатида 376 та ноқонуний транспорт фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлар солиққа тортилиб, давлат бюджетига 179853 минг сўмдан кўп маблағ кирим қилинди.

Солиқ соҳасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган Рустам Андаев Давлат солиқ қўмитасининг Фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланган.

Замон билан ҳамнафас

Юлдуз Холёрова Қарши туманидаги Қовчин қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежининг информатика фани ўқитувчиси. Мураббиянинг дарсларни ташкил этиш, компютер ва турли техник воситаларидан, кўргазмали қуроллардан, инновацион таълим технологияларидан самарали фойдаланишга йўналтирилган маърузалари ва дарс ишланмалари, 30 дан ортиқ ўрга-тувчи, анимацияли дастурлар ва тақдимотлар, 100 дан зиёд тарқатма материаллар йиғмаси, 500 дан ортиқ саволлар банки асосида тузилган тест вариантлари дарсларни мазмунли ва қизиқарли ташкил этишга кўмак бераётир.

Юлдуз Холёрова бир қанча грантлар совриндори. Австралиянинг Мелбурн университети, Хитойнинг Шанхай университетида малака оширган. У туман хотин-қизлар қўмитаси, маҳалла маслаҳатчилари билан ҳамкорликда коллеж қизлари ўртасида турли тадбирлар, учрашув ва давра суҳбатлари ўтказиш ишларида ҳам фаоллик кўрсатаётир...

Болажонлар меҳрибони

Зебунисо Муҳаммадиева Шаҳрисабз туманидаги 34-мактабгача таълим муассасасида услубчи вазифасида меҳнат қилади. Ташаббускор. У ноанъанавийлик асосида ташкил этилган «Ватан посбонлари — юрт қалқонлари», «Табиат — бизнинг бойлигимиз», «Биз жажжи табиат қўриқчиларимиз», «Мустақил юрт фарзандлари», «Билимлар қасрига саёҳат», «Касблар алифбоси», «Математика оламига саёҳат», «Ўйнаймиз, ўйлаймиз, ақлни чархлаймиз» каби тадбирлар ташаббускори ва фаол иштирокчиси.

Устоз ва ижодкор

Ўз касбининг моҳир эгаларидан бири Қарши шаҳар 2-умумий ўрта таълим мактаби немис тили фани ўқитувчиси Зулфия Қиёмованинг ютуқлари ҳақида ҳам кўп гапириш мумкин. У ўқувчиларга немис тилини ўргатиш билан биргаликда бир қатор методик мақолалар, қўлланмалар ва дарсликлар ҳам яратган. Жумладан, 2007 йилда «Шарқ» нашриёти томонидан 5-синф ўқувчилари учун «Deutsch» (немис тили) дарслиги 95667 нусхада, «Lenrerbeiheft» номли методик қўлланмаси 3337 нусхада, «Schonshreiben-5» (Хуснихат) методик қўлланмаси эса 20 минг нусхада чоп этилиб, республикамиздаги таълим қозоқ, туркман, тожик, рус, қорақалпоқ, қирғиз ва ўзбек тилларида олиб бориладиган мактаб ўқувчиларига тарқатилди.

Шунингдек, З.Қиёмованинг педагогика олий ўқув юртларининг 1, 2, 3-курс талабалари учун «Немис тили» дарслиги, 1-2-курс талабаларига мўлжалланган «Немис тили фонетикаси» дарслиги, 2200 сўздан иборат немис, рус, ўзбек тилларидаги луғати, 1550 сўзни ичига олган суратли луғати ҳамда «Эзгу ниятли инсон» шеърий тўплами нашрдан чиққан.

Унинг шогирдлари кўплаб таълим муассасаларида ёшларга хорижий тилдан сабоқ бериб келмоқда.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамияти такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

2014 йил 22-25-27 август кунлари соат 11:00да Термиз шаҳри Ф.Хўжаев кўчаси Тадбиркорлар маркази биносида очиқ аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади:

1.Қизириқ туман тиббиёт бирлашмаси балансига тегишли бўлган 1991 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 19 AJ 707 бўлган «УАЗ 3962» русумли техник носоз ҳолдаги автомашинанинг бошланғич баҳоси — 400 000 сўм.

Аукцион савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда белгиланган ишончнома тақдим этиши лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини «SURXON GRAND BROKER» масъулияти чекланган жамиятининг ХОАББ «Траст банк» Термиз филиали МФО: 01063, ИНН: 302072717, 20208000704929091001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада топширишлари керак: жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Термиз шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 1-хона. Телефон: (99898) 272 50 59.

Хизматлар лицензияланган.

«Universal Realtor» МЧЖда 2014 йил 22 июл куни бўлиб ўтган аукцион савдосида «UzGazOil» МЧЖга қарашли Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Пакана қишлоғида жойлашган 105-сонли АЁҚШ 106 750 000 сўмга; 2014 йил 8 июл куни бўлиб ўтган аукцион савдосида Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Ат-Термизий кўчасида жойлашган 112-сонли АЁҚШ 163 500 000 сўмга; 2014 йил 30 июн куни бўлиб ўтган аукцион савдосида Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, Файзабод қишлоғида жойлашган 101-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси 137 800 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Хизматлар лицензияланган.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида такроран ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари такроран қўйилади:

1. «3-сон трамвай-троллейбус депоси» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 3а-уй манзилидаги 49370 кв.метр ер майдонида жойлашган, давлат мулки бўлган 4881 кв.метрга тенг бўлган бино ва иншоотлардан иборат мулкий мажмуа.

Бошланғич нархи — 5 591 708 972 сўм.

Балансда сақловчи: «3-сон трамвай-троллейбус депоси» давлат унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Йўловчи ташиш.

Шунингдек, харидорга Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг 2014 йил 18-майдаги 2140-сонли маълумотига кўра, хусусийлаштирилиши белгиланган юқоридаги манзилда келтирилган объект фуқаро муҳофаза панагоҳи мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 291-26-сонли Қарори билан тасдиқланган «Фуқаро муҳофазаси иншоотлари ва мол-мулклари захирасини яратиш, улардан фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 18-банди 2-иловасига мувофиқ, ўрнатилган тартибда намунавий шартнома расмийлаштирилиши ҳамда фуқаро муҳофазаси объекти ва мол-мулкларидан мақсадли фойдаланиш бўйича шартномада белгиланган мажбуриятларга амал қилиш вазифаси юклатилади.

2. Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Янги Қўйлиқ (Олимбекова) кўчаси, 40-уй манзилида жойлашган «Шаҳар электр транспортларига хизмат кўрсатиш шўбаси» давлат унитар корхонаси тасарруфидаги Бино ва иншоотлар мулкий мажмуаси.

Бошланғич нархи — 2 679 460 000 сўм.

Балансда сақловчи: «Шаҳар электр транспортларига хизмат кўрсатиш шўбаси» давлат унитар корхонаси.

Фаолият ихтисоси: Хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уй. Тел/факс (8-371) 228-84-48. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 25 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А»уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 8, 22 сентябр, 6,20 октябр, 3,17 ноябр ва 1,15 декабр кунлари, соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, х/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

- аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-84-48. Факс: (8-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон АСМ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ касаба уюшмаси Нуробод туман кенгаши раиси Эшонқул Тўхтаевга турмуш ўртоғи **Жонгул ТЎХТАЕВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 815 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4